



## ЎЗБЕКИСТОНДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Баратов Шариф Рамазонович*

*Бухоро психология ва хорижий тиллар интситути ректори,  
Халқаро Психология Фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси (академиги)  
Психология фанлари доктори, профессор*

**Annotatsiya:** *Mazkur maqola Xorijda va O'zbekistonda psixologik xizmatni takomillashtirishning nazariy jihatlarini yoritishga qaratilgan.*

**Kalit so'zlar:** *psixologik xizmat, ijtimoiy psixologiya, kasbga yo'naltirish, motivatsiya.*

Бу ёруғ оламда энг олий хилқат ҳисобланган Инсонни ўрганиш, уни тарбиялаш, унга алоҳида хизмат кўрсатиш муаммоси бутун инсоният пайдо бўлишининг ибтидосидан бошлаб интиҳосига қадар ўзига хос объектив ва субъектив имкониятлар кўлами билан боғлиқ равишда намоён бўлиб келаётганлигини бугунги ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Хорижлик олимлар томонидан психологик хизмат бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: таълим тизимида психологик хизмат (K.R.Reynolds, T.B.Gutkin), психологнинг профессионал функцияларини асослаш (Bardon, Bennet), ақлий таракқиётдан орқада қолган болалар учун дастур ва тест (Binet, Simon), психологик-педагогик ёрдам гуруҳлари (A.Vallon), ўқувчиларнинг психик соғломлиги (Luy Somin) шахсларнинг ўз ишидан қониқишини таъминлаш.

Психологик хизмат ва унинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланишига таъсир этувчи психологик механизмлар ижтимоий психологиянинг методологик тамойилларини такомиллаштириш муаммоси А.Г.Асмолов, Ш.А.Надирашвили, Д.Н.Узнадзе, Г.М.Андреева, Ю.М.Забродин, К.А.Абулхонова-Славская, Е.А.Ануфриев, Л.П.Гримак, Б.Ф.Ломов, Н.С.Лейтес, Э.А.Голубева, Л.И.Божович, А.А.Братколар томонидан психологик хизматнинг шахс ва фаоллик тамойилига адекват ёндашув муаммоси билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилган.

Бугунги кунда бир қатор хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШ, БАА, Европа, Осиё ва МДХ олий таълим муассасалари тажрибаларини ўрганиш орқали уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, хусусан:

клиник психология, идрок ва хулқ-атвор психологияси (Cognition, Brain, & Behavior), хизмат психологияси (Психология служебной деятельности), суд эсперт психологияси (Судебно-психологическая экспертиза), криминология (Криминология), Юридик психология (Юридическая психология) соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;



ривожланган Осиё ва Европа мамлакатларида Патапсихологияга (Abnormal Psychology) эътибор қаратилган ва алоҳида ўқув дастурларини ўрганиш ва мослаштирилган ҳолда амалиётга татбиқ этиш;

“Болаларни мактабгача бўлган давр ривожланишини”, “Идрок, Онг ва хулқ-атвор”, “Когнитив ва ижтимоий неврология” соҳасидаги тажрибаларни ўзлаштириш;

“Аҳоли бахтлилик даражаси”, “Соғлиқни сақлаш хусусан ментал саломатлигини”, “Стрессдан ҳимояланиш” тадқиқотларини ўрганиш орқали мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда таълим йўналишларига янги фан, ўқув курслари жорий этилган;

Саломатлик психологияси бўйича жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, Санкт-Петербург Давлат университети (Россия), Россия фанлар академияси социология институти (Россия), University of California (Los Angeles, АҚШ), University of Leeds, University of Kent ва The University of Sheffield (Буюк Британия), University of Groningen (Нидерландия), Freie Universität Berlin (Германия), World Health Organization, The British Psychological Society (Буюк Британия), The European Health Psychology Society, American Psychological Association (АҚШ) томонидан изланишлар олиб борилмоқда;

АҚШ, Буюк Британия, Россия, Германия ва Исроил давлатларида психодиагностика, психопрофилактика ва консултатсия соҳаси билан боғлиқ хизматлар асосий ўринда туради;

Халқаро тест маркази (ITC), Танлаш ва тараққиётни баҳолаш маркази (SVDAC) кадрларни саралаш ва психологик баҳолаш йўналишида, Иматон” (Россия), “Индиго” тест тузиш ва онлайн тестлаштиришни жорий этиш маркази (Россия) ва Питсбургск консултатсия фирмаси (АҚШ) психологик тадқиқотлар учун психологик тестларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бормоқда;

Ривожланган Осиё ва Европа мамлакатларида ҳаёт фаолиятида оғир психологик ҳолатларга тушиб қолган аёлларга алоҳида эътибор қаратилган ва тренинг-реабилитатсия дастурлари ишлаб чиқилган;

Халқаро тажрибаларга кўра жаҳоннинг етакчи мамлакатларида психологлар фаолиятининг тартибга солиш ва такомиллаштиришга хизмат қиладиган Америка психологлар ассоциатсияси (АРА), Британия психологлар жамияти (BPS), Психологлар ассоциатсияларининг Европа федератсияси (EFPA) каби етакчи ташкилотлар фаолият юритмоқда;

Жаҳондаги олий таълим муассасалари рейтингида етакчилик қиладиган 50 та университетда психологлар тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, улардан 21 таси АҚШ, 9 таси (Буюк Британия), 7 таси Австралия, Канадада 3 та, 3 таси Гонконгда, 2 таси Сингапурда, 2 таси Нидерландияда, 2 таси Янги Зеландия ва 1 таси Белгиядаги университетлар улушига тўғри келмоқда.



Хорижий тажриба шуни кўрсатадики турли мамлакатлар психологик хизматлари ўзига хос ривожланган ва уларни мувоқлаштирган ҳолда ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этилишини кўрсатмоқда.

Психологик хизмат йўналишининг назарий-илмий ва методологик асослари умумий психология фани шаклланиши билан боғлиқ узок тарихий илдизларга бориб тақалади. Қолаверса, психологик хизмат жараёни дастлабки психологик тушунчаларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш даврлари билан бевосита боғлиқдир.

Психологик хизмат йўналишлари турли давлатларда ўзига хос ташкил этилганлиги ва ҳар бир йўналишининг муайян мақсадларга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бугунги кунда хорижда психологик хизмат фани алоҳида фан ва йўналиш сифатида Давлат таълим департаменти томонидан алоҳида назоратга олинмоқда. Чунки, ҳар бир давлатнинг ривожланиши бевосита шахс ва унинг ички салоҳиятига хос психологик имкониятлардан тўғри фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Хорижда психологик хизмат тарихига назар соладиган бўлсак, Америкада шахсни ўзини-ўзи тарбиялаш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган ҳамда бунинг натижаси ўлароқ умумтаълим мактабларида психологик хизмат тизимини шакллантиришга эришилган. Шунингдек, ушбу мактаб вакиллари турли интеллектуал тестларни қўллаш орқали шахснинг ақлий тараққиёти билан боғлиқ интеллект коэффиценти (IQ) ни аниқлаш мумкинлигини илмий асослаб берганлар. Бу илмий изланишлар самараси натижасида, кейинчалик, Америкадаги “Гайденс” мактаби хизматининг шаклланишига асос бўлди. XX аср бошларида шахснинг касбий йўналганлигини аниқлашга қаратилган махсус хизмат мактаби жорий қилинган. Жумладан, даставвал Френк Парсон томонидан 1908 йил Американинг Бостон шаҳрида ёшларни касбий йўналганлигини мониторинг қилувчи Расмий Уюшма ташкил этилиб, бу Уюшма фаолияти “Гайденс”чилар фаолияти мисолида ривожлантирилган.

Американинг ҳар бир штатида “Гайденс” мактабининг мутахассислари кенг қўламда иш олиб бордилар. Улар психологик хизмат билан боғлиқ барча масалаларга атрофлича ёндашилишини бошқариб борадилар. “Гайденс” мактаби ҳар бир ҳудуд учун алоҳида дастур ишлаб чиқди ва бу дастурда ҳар бир ўқувчининг алоҳида имкониятларига ташхис қўйилди. Бунинг учун эса мактабларда алоҳида кўмиталар тузилиб, бу кўмита таркибига директор ўринбосари, хизматнинг бош мутахассиси-каунслер (маслаҳатчи) ва болалар учун энг обрўли бўлган педагоглар киритилди. Демак, ҳар бир масъул ходимга ўз вазифасини бажариш билан бирга “Гайденс” хизматининг самарадорлиги учун алоҳида жавобгарлик юклатилди. Шу тариқа Каунслинг хизмати жорий этилди. Каунслерга эса алоҳида масъулият юклатилиб, у Олий таълим дипломига эга бўлиши билан бирга икки йиллик “Гайденс” мутахассислиги бўйича алоҳида курсни ҳам тугатган бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди.



**Умумий назорат хизмати** – “Гайденс” дастури натижалари бўйича мактаб битирувчиларининг кейинги тақдири ва улар харакатининг коррекцион хусусиятлари билан шуғулланувчи махсус тузилма.

Психологик хизмат методологияси учун индивидуал психологик фарқланиш назариясининг яратилишини ва бу борада ўнлаб йирик тадқиқотларнинг мавжудлигини муҳим манбалардан бири сифатида, ҳеч муболағасиз, эътироф этиш мумкин. Дифференциал психологиянинг маҳсули бўлган бу йўналиш, даставвал, немис психологи В.Штерн номи билан бевосита боғлиқдир, у ўзининг 1901-йилда ёзган "Индивидуал фарқланиш психологияси ҳақида" номли асарида ҳар бир индивиднинг ўзига хос психологик олами мавжудлигини экспериментал тарзда тадқиқ қилади.

Ф. Гальтон, А. Бине, А.Ф. Лазурский, Д.Кэттелл каби олимлар бу соҳада янги бир йўналишни кашф қилдилар. Шундан сўнг, дифференциал психология ҳар бир индивид ёки гуруҳдаги қизиқишлар, установакалар, ҳиссий қўзғалишларни фарқлаш объекти сифатида майдонга чиқди ва унинг бугунги психологик хизмат методологияси учун аҳамиятли томони шундаки, ҳар бир индивид ёки шахснинг ўзигагина хос психологик имкониятларини аниқлаш ва тегишли илмий мулоҳаза юрита олишга хизмат қилувчи комплекс тестлар, усуллар ва методикалар мажмуаси яратилди. Бинобарин, чет эл илғор психологиясида психологик хизмат методологияси учун муҳим ўрин тутувчи йўналишларга асос солинди.

Б.М. Теплов, В.С. Мерлин, В.Д. Небылицын, Б.Р. Қодиров. ва уларнинг шоғирдлари томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар мазмуни ижтимоий психология ва ижтимоий психологик хизмат учун муҳим бўлган ҳар бир шахснинг (индивиднинг) табиий ва туғма сифатларини, олий асаб фаолиятининг ўзига хос қобилият элементларини ва унга таъсир этувчи таълим-тарбия, ташқи муҳит ва фаолиятнинг нечоғлик ташкил этилиш жараёнини мукамал ўрганиш ва уни ижтимоий мақсадлар асосида ривожлантириш йўллари белгилаш учун катта имконият яратди. Мазкур имкониятлар инсондаги у ёки бу фаолиятни бажаришга бўлган иқтидор куртакларини ўрганишни ва шу асосда шахс фаоллигини камол топтириш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Шунга мувофиқ махсус тадқиқотлар шуни тасдиқлаптики, фаолиятнинг муваффақиятли ташкил этилиши, аввало, индивидуал хусусиятлар, айниқса, ҳар бир шахс темпераменти ва индивидуал услубига ҳам боғлиқ. Айни пайтда, меҳнат ва ўқув фаолияти жараёнида ушбу ҳолатни кузатиш, таҳлил қилиш ва ривожлантириш билан боғлиқ усуллар мажмуасининг ишлаб чиқиши психологик хизматнинг муҳим вазифаси эканлигидан далолатдир.

Шахс фаолиятига индивидуал ёндашув йўналиши билан боғлиқ психологик хизматнинг методологик тамойилларини илмий-тадқиқий жиҳатдан асослаб берувчи олим Н.С.Лейтес маълумотларига қараганда, асаб тизими нисбатан кучсиз бўлган кишиларда, кўпинча, бир хилдаги ишнинг бажарилишида афзалликлар борлиги аниқланган бўлиб, уларнинг юқори сезгирлиги таъсирчанлик муваффақиятини таъминлайди, лекин у ёки бу



фаолият жараёнидаги фавкулудда ва кучли қўзғалувчилар асосида намоён бўлувчи вазиятларда кучсиз типдаги кишилар айнан ўзларининг физиологик хусусиятларига кўра ишни уддалай олмай қолишлари мумкин.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июнда эълон қилган № ПФ-3808-сонли “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонининг “Оилаларда ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, ҳамда улар орасида низоли, оғир турмуш шароитини амалий хал қилиш механизмларини жорий этиш” бўйича 23-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот марказида Республикамининг етакчи психолог олимларидан иборат вақтинчалик илмий-амалий тадқиқот жамоаси (ВИАТЖ) тузилган бўлиб, унда Республикамиз маҳаллаларида истиқомат қиладиган оилаларда, оила аъзолари: ота-она ва фарзандлар, эр ва хотин, қайнона ва келин ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, болалар ва оилаларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун шароит яратишда уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш тизими механизмларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари, Фармонлари, Давлат дастурлари қабул қилинган<sup>1</sup>.

Мазкур Дастур талабларига мувофиқ барча маҳаллаларда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш масаласи кўйилган:

1. Ҳозирги замон оиласининг ривожланиш масалаларини (- ички оилавий ва шахслараро муносабатлар; - оилавий муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кадриятлар, миллий анъаналар; - авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар хусусиятларини) ўрганиш.
2. Оилавий низоларнинг ҳудудий (вилоят, туман, шаҳар) хусусиятларини аниқлаш.
3. Оилавий низолар сабаб ва омилларини аниқлаш.
  4. Оилавий низоларнинг этнопсихологик хусусиятларини аниқлаш.
  5. Ота-она ва фарзандлар низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш.
  6. Эр-хотин низоларининг ижтимоий психологик хусусиятларини аниқлаш.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5325-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 229-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 мартдаги “Оила институтини мустаҳкамлаш соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этиш тўғрисида” 230-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПК-3808-сон қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Оилавий-маиший зўравонликни профилактика қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПК-4190-сон қарори ва ш.к.



7. Қайнона-келин низоларининг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш.

8. Ота-оналар, педагог ходимлар, маҳалла фаоллари, оила билан ишловчи мутасадди ходимлар, “Оила” ИАТМ ходимлари учун оилавий низоларни бартараф этиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, уларнинг психологик саводхонлигини ошириш бўйича психологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, психологик хизмат муаммоси дунёнинг қайси давлатида бўлмасин у ёки бу шаклда муайян илмий-назарий тамойилларга амал қилган ҳолда ҳал қилинар экан. Зеро, инсонга ёхуд унинг руҳий ва индивидуал оламига жиддий эътибор берилмас экан, бирор бир давлат ҳам ривожланмаслиги тайин. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам айнан маҳалла тизими орқали аҳолининг турли гуруҳларига психологик хизматнинг ташкил этилиши ва бу жараёни Давлат даражасида қўллаб қувватланиши<sup>2</sup>, жумладан, жамият ва оилада соғлом ва барқарор ижтимоий-психологик муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйиши билан боғлиқ бир қатор ишларнинг бажарилиши маҳаллада психологик хизмат тизимининг ўзига хос методологик асосларини яратишда муҳим ўрин тутди. Бу ўринда Ўзбекистонлик олимлар (Ғ.Б Шоумаров, В.М. Каримова, Э.Ғ. Ғозиев, З.Т. Нишонова, Б.М. Умаров, Н.С. Сафоев, Б.Р. Қодиров, П.С.Эргашев, Н.А. Соғинов, Р.А. Абдурасулов, У.Д. Қодиров, Д.Г. Мухаммедова) раҳбарлигида олиб борилаётган илмий тадқиқот натижаларининг алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Ушбу илмий натижаларга асосланиб, Ўзбекистонда маҳаллага психологик хизмат кўрсатишнинг ўзига хос методологик асослари ва илмий-амалий йўналишлари яратилмоқдаки, бу йўналишлар Ўзбекистонда аҳолининг турли гуруҳларига хизмат қилувчи психологик хизмат моделини яратишда ва бу моделни айнан маҳалла институтлари орқали амалиётдаги ўрнини белгилаб беришда муҳим дастурил-амал бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, психологик хизматнинг методологик асослари сифатида талқин қилинган юқоридаги фикр-мулоҳазалар ижтимоий психология фанининг қуйидаги амалий-тадқиқий йўналишларига бугунги куннинг энг долзарб муаммолари сифатида қарашни тақозо этади:

1. Психологик хизмат методологияси ҳар бир шахснинг у ёки бу фаолиятда ижтимоий ва ҳиссий қониқиш жараёнини таъминлашга қаратилган омилларни назарий ва эмпирик жиҳатдан асослаб беришга қаратилиши лозим.

2. Психологик хизмат шахснинг фаолият жараёнидаги ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган муносабатларидаги иерархик тизим динамикасини тадқиқ қилиши ва шу тизим асосида ижтимоий психологик муҳитнинг яратилишига



замин ҳозирлай олиши билан боғлиқ изланишлар кўламини ўз ичига олиши билан аҳамиятлидир.

3. Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ ижтимоий муҳим кўрсаткичларнинг таҳлили ҳар бир шахс фаолияти учун характерли бўлган индивидуал фарқланиш, индивидуал услуб ва ижтимоий установканинг қарор топтирилишини ўрганиш асосида амалга оширилиши мумкин.

4. Психологик хизматнинг ташкил этилиши шу маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг турли гуруҳларидаги психологик муаммоларни бартараф этиш тизимини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш билан баҳоланади.

5. Муаммонинг илмий адабиётларда ёритилиши ва методологик асослари билан боғлиқ юқоридаги таҳлилларнинг баён этилиши психологик хизматнинг илмий-амалий жиҳатдан асосланган вазифаларини ҳамда ўзига хос ижтимоий-психологик истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Дубровина И.В. и др. Рабочая книга школьного психолога. – М.: Просвещение, 1991. – 303 с.
2. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2018. – 344 б.
3. Баротов, Ш. Р. (2012). Социальный Интеллект: Структура и Функции. *Психология XXI столетия*, 2, 153-158.
4. Баротов, Ш. Р. (1999). Таълимда психологик хизмат асослари (Монография). Т.: *Маънавият*.
5. Chudakova, V. P., Sharipov, S. S., Chuprova, L. F., & Baratov, S. R. (2019). Psychological support of the educational process: psychological service at school-creation, current state and prospects. *Osvita and development of gifted specialties*, (2), 39-46.
6. Баротов, Ш. Р. (1995). Ўқувчи шахсини ўрганиш усуллари. Т.: *Ўқитувчи*, 57.
7. Баратов, Ш. Р. (2021). Из опыта внедрения концепции психологической службы в Узбекистане. “*XXI АСР ПСИХОЛОГИЯСИ*” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАҚОЛАЛАР Тўплами, 5.
8. Баротов, Ш. Р., & Баротова, М. (2017). Психологическая служба образования: от теории к практике. *Учебно-методическое пособие-Бухара*, 90-98.
9. Баротов, Ш. Р. (2017). Психологическая служба образования: от теории к практике. (Учебно-методическое пособие). Бухара: *Дурдона*.
10. Баротов, Ш. Р. (1999). Таълимда психологик хизмат асослари (Монография). Т.: *Маънавият*.
11. Baratov, S. R. (1991). Kul'tura skotovodov Severnoj Fergany v drevnosti I ranned srednevekov'je. *Avtoreferat Kandidatskoj Dissertacii. Institut arheologii, Samarkand*.
12. Баратов, Ш., Бафаев, М., Вержибок, Г., Головаха, Е., Костригин, А., Кроник, А., ... & Янакиева, Е. (2015). Подведение итогов или заключение. *РЕМ: Psychology. Educology. Medicine*, (3-4), 452-455.



13. Баратов, Ш. Р. (2021). Методологические основы и стратегии развития психологической службы в Узбекистане. *Дифференциальная психология и психофизиология сегодня: способности, образование, профессионализм*, 1(1), 94-100.
14. Baratov, S. (2021). АКТУАЛЬНЫЕ И ПЕРСПЕКТИВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 22(22).
15. Баратов, Ш. Р. (2020). ОРГАНИЗАЦИЯ ОБУЧЕНИЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ КОРОНАВИРУСА. *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПСИХОЛОГИИ, ПЕДАГОГИКИ, ФИЛОСОФИИ XXI ВЕКА*, 10.
16. Barotov, S., & Barotova, D. (2020). Scientific-Practical Basics of Creation of Psychological Service in Uzbekistan. *development*, 6(7), 8.
17. Baratov, S. (2020). ЎСМИРЛАР ОРАСИДА СУИЦИД ҲОЛАТЛАРИНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИНИНГ САБАБЛАРИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 1(1).
17. Norboy o'g'li, H. F. (2023). UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARINI BOSHQARISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. *Journal of new century innovations*, 37(1), 44-48.
18. Norboy o'g'li, H. F. (2023). Umumiy o'rtta ta'lim muassasalarini boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanish mexanizmlarini takomillashtirish: 1-SON 1-TO'PLAM IYUL 2023 yil. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 1(1), 276-281.
19. Hayitov, A. Boshlang'ich ta'lim pedagogikasi, innovatsiya va integratsiyasi.
20. Hayitov, A., & Mansurova, S. (2022). Integrativ yondashuv asosida boshlang'ich sinif o'quvchilarida ekologik kompetensiyalarni shakllantirishning pedagogik shart-sharoitlari. *Science and innovation*, 1(B7), 1009-1015.
21. Sadinovna, K. D. (2022). Integrative approach to forming ecological culture of future primary class teachers. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 6, 82-86.
22. Rahmatova, F., & Abrorxonova, K. (2021). Educational issues in the works of enlightened intellectuals. *Boshlang'ich ta'limda innovatsiyalar*, 1(Архив№ 2).
23. Abrorkhonova, K., & Khudoyberdieva, S. (2022). VIRTUAL TOUR IN PRIMARY SCHOOL. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(06), 72-77.